

**ДЎСТЛИК ТУМАНЛАРАРО ИҚТИСОДИЙ СУДИНИНГ  
А Ж Р И М И**

(даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

2023 йил 10 октябрь

Дўстлик шаҳри

Дўстлик туманлараро иқтисодий суди судьяси И.Қурбанов раислигида, А.Розматов котиблигида, даъвогар SANGZOR TEKSTIL масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг жавобгар XUSHNUD JAXON IFTIXORI фермер хўжалигидан 460939036 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси юзасидан кўзғатилган иқтисодий даъвогар вакили А.Маматов ва А.Мирзаев (ишончнома асосида)ларнинг иштирокида суднинг ўз биносида очик суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и :**

Даъвогар SANGZOR TEKSTIL масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси (кейинги ўринларда “даъвогар”) судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар XUSHNUD JAXON IFTIXORI фермер хўжалиги (кейинги ўринларда “жавобгар”)дан 460939036 сўм асосий қарзни ундиришни сўраган.

Даъво аризасида Палата мазкур даъво аризасини ўзининг иштирокисиз кўришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили тарафлар ўртасида 2023 йил 09 октябрда тузилган медиатив келишувни судга тақдим этиб, тарафлар ўртасида ўзаро мақбул қарорга эришиш мақсадида медиатив келишувига эришилганлиги сабабли даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни сўради.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада, суд мажлисида жавобгар XUSHNUD JAXON IFTIXORI фермер хўжалиги вакил иштирокини таъминламади.

Мазкур ҳолатда суд, низо юзасидан қарор қабул қилиш учун материаллар етарли эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 170-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ишни жавобгар (вакили) иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 130-моддасига кўра, суд тарафларнинг келишуви учун чоралар кўради, уларга иқтисодий суд ишларини юритишнинг барча босқичларида низони ҳал этишга кўмаклашади.



Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 131-моддаси биринчи қисмига биноан эса тарафлар низони келишув битимини ёки медиатив келишувни тузиб ҳал этиши мумкин.

Келишув битими иқтисодий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида ва суд ҳужжатини ижро этиш жараёнида, медиатив келишув эса биринчи инстанция судида суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) суд ҳужжатини қабул қилиш учун чиққунига қадар тарафлар томонидан тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси 5<sup>3</sup>-бандига кўра, тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, суд даъвони кўрмасдан қолдиради.

Суд тарафлар томонидан тақдим этилган 2023 йил 09 октябрдаги медиатив келишувни ўрганиб, тарафлар низони ўзаро медиатив келишув йўли билан ҳал қилганликларини, яъни иқтисодий суд ишини юритишда низони ҳал этишга кўмаклашганлигини ҳамда тарафлар ўртасида ўзаро мақбул қарорга эришиш мақсадида медиатив келишуви амалга оширилганлигини инобатга олиб, даъвогарнинг даъво аризасини кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 18-моддаси биринчи қисми 9-бандига кўра агар тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилган бўлса, даъво ариза кўрмасдан қолдирилганда давлат божи қайтарилиши лозим. Бироқ, суд мазкур иқтисодий иш суд томонидан давлат божи тўловисиз иш юритувига қабул қилинганлиги сабабли давлат божи ундирмасликни, шунингдек, тарафлар ўртасида тузилган медиатив келишувига кўра олдиндан тўланган почта харажати даъвогар зиммасида қолдирилганлигини инобатга олиб, почта харажати ундирмасликни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 107, 108, 195-моддаларини қўллаб, суд

#### **а ж р и м қ и л д и :**

Даъвогар SANGZOR TEKSTIL масъулияти чекланган жамияти манфаатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг жавобгар XUSHNUD JAXON IFTIXORI фермер хўжалигидан 460939036 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Тарафлар ўртасида медиатив келишув тузилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 9-моддаси биринчи қисми 2-банди ҳамда 18-моддаси биринчи қисми 9-бандига кўра, мазкур иқтисодий иш бўйича давлат божи ундирилмаслиги инобатга олинсин.

Мазкур ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

**Судья**

**И.Қурбанов**

